




ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ ҒАЗО СЕКТОРИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 19 февраль куни Вашингтон шаҳрида Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этди. АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтказилган тадбирда Озарбайжон, Қозоғистон, Бахрайн, Индонезия, Аргентина, Парагвай, Руминия, Миср, Қатар, Покистон, Венгрия, Албания, Арманистон, Вьетнам, Камбоджа, БАА, Туркия, Қувайт, Саудия Арабистони, Исроил, Марокаш ва бошқа давлатлар делегациялари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Ғазо секторини қайта тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалалари муҳофиза қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дастлабки саммитни қақчиргани учун Америка Қўшма Штатлари Президенти, Тинчлик кенгаши раиси Дональд Трампга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва уни муваффақиятли

рўёбга чиқаришда амалий иштирок этишни қатъий тасдиқлагани таъкидланди. — Ишончим комил, кенгаш иши Ғазо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тиклаш учун қулай шароит яратишга имкон беради, — деди Шавкат Мирзиёев. Ғазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозимлиги таъкидланди. Барча томонларнинг мувофиқлаштирилган саяё-ҳаракатлари Ғазони

тез фурсатда қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, можародан кейинги жараёнларни барқарорлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ушбу ҳудудда турар жойлар, болалар боғчалари, мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёрлигини қайд этди. — Бизнинг учрашувимиз халқаро бирдамлик, тинчликсеварлик ва Яқин

Шарқдаги вазиятни яхшилашга бўлган умумий интилишимизнинг ёрқин ифодасидир. Биз Янги Ғазони — иқтисодий фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. Тадбирда бошқа хорижий мамлакатларнинг давлат, ҳукумат ва ташқи сиёсий идоралари раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш якунида Тинчлик кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги декларация имзоланди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида амалий ташрифи якунланди. **ЎЗА** Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Дональд Трамп Жаноби Олийлари! Хурматли саммит иштирокчилари! Авваломбор, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Жаноби Олийларига Тинчлик Кенгашининг инаугурация мажлисини ташкил этгани учун чин дилдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги саммит бу Президент Трампнинг сиёсий иродаси ва прагматизми натижасидир. Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлади ва унинг муваффақиятли амалга оширилиши борасида ўзининг амалий иштирокини қатъий баён этди.

Ишончим комил, Кенгаш иши Ғазо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тиклаш учун қулай шароит яратишга имкон беради. Шу билан бирга, Ғазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозим.

Барча томонларнинг мувофиқлаштирилган саяё-ҳаракатлари Ғазони тез фурсатда қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, можародан кейинги жараёнларни барқарорлаштиришга хизмат қилади. Таъкидлаб айтманки, Ўзбекистон ушбу ҳудудда турар жойлар, болалар боғчалари,

мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёр. Хурматли дўстлар! Ушбу саммит Дональд Трамп номидаги Тинчлик институтида ўтказилаётганида рамзий маъно мужассам. Бизнинг учрашувимиз халқаро бирдамлик, тинчликсеварлик ва Яқин Шарқ

даги вазиятни яхшилашга бўлган умумий интилишимизнинг ёрқин ифодасидир. Биз Янги Ғазони — иқтисодий фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: МУЛОҚОТ ВА ШЕРИКЛИК УЧУН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан Вашингтон шаҳрида бўлди ва Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этди. Ташриф доирасида стратегик лойиҳалар тақдими, АҚШнинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокида учрашувлар ҳамда қатор ишбилармонлик тадбирлари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз бугун ташқи сиёсат йўналишида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Расмий Тошкент минтақавий ва глобал кун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. Мулоқот услубини белгилапти. Асосийси, икки ва кўп томонлама форматларда амалий ечимлар таклиф қилаётган давлат сифатида позициясини мустаҳкамламоқда. Бу ҳолда АҚШ билан стратегик шериклик ривожига яққол намоён бўлмоқда. 2017 йилга қадар Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари турғун ҳолатда эди. Ташқи сиёсати асосига инсон ҳуқуқлари, мажбурий меҳнат муаммолари каби масалаларни қўйгани сабаб АҚШ биздан анча масофа сақлаб турган эди. Президентимизнинг сиёсий иродаси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини баргараф этиш бўйича тарихий қарорлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлари туфайли икки мамлакат муносабатларига ниҳоят янги нафас кирди.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАР БИР БАНД, БЎЛИМ АНИҚ МАҚСАД ВА НАТИЖАГА АСОСЛАНГАН

Аҳолининг турмуши сифати, фаровонлиги ва даромадини ошириш мамлакатдаги ислохотларнинг асосий мақсадидир. Сўнгги йилларда бу йўналишдаги саяё-ҳаракатлар сезиларли натижа кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан давлат органлари фаолиятидаги устувор тамойил инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бундай бошқарув фуқароларнинг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларини қисқа муддатда манзилли ҳал этиш учун яхлит тизимни шакллантириш имконини берди. Натижада энг олис ва бориш қийин ҳудудлар инфратузилмаси ҳам яхшиланди. Саноат тармоқлари кенгайди. Замонавий технологияларга асосланган корхоналар сони ортмоқда.



▶ Давоми 3-бетда

Муносабат

Долзарб мавзу

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ: МУЛОҚОТ ВА ШЕРИКЛИК УЧУН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

ОҚИБАТДАН САБАБЛАРГА КЎЧАЎТГАН КУРАШ ТАМОЙИЛИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 15-17 май кунлари АҚШга илк расмий ташрифи стратегик шериклигининг янги даврини бошлаб берди ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. 2023 йил 16-20 сентябрь кунлари Нью-Йоркка амалий ташрифи эса "С+1" форматидаги биринчи саммит муносабати билан белгилаиб, минтақавий ҳамкорлигининг янги bosqichini мустаҳкамлади.

ларининг учрашуви тарихий аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг ўша йили ноябрда Вашингтонга амалий ташрифи шерикликка қўшимча суръат бағишлади. Ҳамкорлик декларатив bosqichidan аниқ ташаббуслар, келишувлар ва қўшма стратегиялар bosqichiga ўтди. Иқтисодий сиёсий мулоқотнинг таянч конструкциясига айланди. Рақамлар ҳам буни яққол тасдиқлайди. Хусусан, ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард доллардан ошди. Экспорт 291,7 миллион долларга етди. Мамлакатимизда АҚШ капитали иштирокидаги 340 корхона фаолият юритмоқда. Шуларнинг 195 таси 100 фоиз АҚШ инвестицияси асосида ишляпти.

Тинчлик кенгашини тузиш ташаббусига қўшилди. 2026 йил январда Швейцариянинг Давос шахрида Президентимиз маъруза кенгаши низомини имзолагач, Ўзбекистон янги халқаро платформанинг таъсисчиларидан бири бўлди. АҚШ Президенти илгари сурган ва БМТ майдонида қўлаб-қувватланган бу ташаббус жоғаролик ҳамкорлигини камайитириш ҳамда жабр кўрган ҳудудлар, жумладан, Ғазо минтақасини қайта тиклашга қаратилган. Шу тариқа Ўзбекистон ишончли ташқи сиёсий стратегияси асосида кенг қўламли икки томонлама ҳамкорликдан янги глобал механизмларни шакллантиришга бўлган жараёнда фаол иштирок этмоқда.

Замон тараққий этишида давом этар экан, аҳоли хавфсизлиги ҳаммаша устувор аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг ўсиши, ривожланиши, аввало, фуқароларнинг хавфсизлиги, давлатга ишончи билан ўлчанади. Айна мақсадда юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга энг устувор масалалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

жорий этиш учун қабул қилинган эди. Ушбу қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи масъул идора ҳамда муассасалар зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

яқунлари бўйича аниқланган муаммо, сабаблар ситуацион марказга илмий ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш учун тақдим этилмоқда. Шунингдек, маҳаллалар, таълим масканларида бепул юридик ёрдам, "Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят содир этишининг оғир оқибатлари" мавзусида ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказилмоқда. Энг муҳими, бепул юридик ёрдам тадбирлари давомида фуқароларга адвокатлик ёрдами, масаланинг олдини олишга қаратилган илмий-таҳлилий ўрганишлар олиб боришмоқда.

Хужжат ижросини таъминлаш мақсадида бошқа қатор масъул ташкилотлар қатори Тошкент давлат юридик университети ташаббуси билан пойтахт маҳалла фуқаролар йиғинларида хавфсиз муҳитни яратиш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган илмий-таҳлилий ўрганишлар олиб боришмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат. Тадбирларда иштирокчиларга интернет тармоғидан фойдаланиш, ҳуқуқий ахборот олишда киберфирибгарлик қурбони бўлиб қолмаслиги учун зарур кўрсатмалар берилмоқда. Шунингдек, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, муаммоларни муросали йўл билан ҳал этиш бўйича тавсиялар берилиб, билан амалий тажрибани оширишга қаратилган давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Аҳоли мувожаатлари ўрганилиб, долзарб ҳуқуқий масалалар юзасидан индивидуал ёндашув асосида маслаҳатлар бериляпти.

Ўрганишлар жараёнида маҳаллаларнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолияти, "маҳалла еттиги"нинг иш механизмлари, аҳоли сони ва ижтимоий-демографик ҳолати, бандлик даражаси, ҳудудда содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш омиллари таҳлил қилиняпти. Жараёнда маъмурий назорат остидаги шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви ҳамда бандлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яшнобод ва Янгиҳаёт туманларидаги ситуацион марказда университет таянч докторантлари ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг доимий фаолияти йўлга қўйилди. Ситуацион марказда маҳаллалар кесимида кунлик амалга оширилган ишлар, статистик маълумотлар илмий гуруҳларга таҳлил ва тасдиқотда фойдаланиш учун тезкор етказилмоқда.

Соҳа изчил тақомиллаштирилиб, самардорлик яхшиланмоқда. Хусусан, кейинги йилларда аҳоли тинч, осойишта ҳаёт кечирishi учун ҳуқуқий, ташкилий механизмлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Асосийси, сўнгги йилларда жамоат хавфсизлиги масаласи тизимли давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Маҳалланинг ўрни мустаҳкамланди, профилактиканинг янги ёндашувлари жорий этилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этишда сезиларли ўзгаришлар қилинди. Жиноятчиликка қарши курашиш мутлақо янги bosqichiga кўтарилиб, жиноят оқибати билан курашиш эмас, унинг олдини олиш тамойилига ўтилди.

Бир сўз билан айтганда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва "Хавфсиз шаҳар" муҳитини яратиш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, мамлакатимиз фаровонлиги ҳамда юрдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 27 январь кун Тошкент шахрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимизнинг 2026 йил 5 январдаги "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам айнан маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва яшилмоқда бўйича янги механизмларни

Дилдора БОЗОРОВА, юридик фанлар доктори, профессор

ҲАМКОРЛИК ДЕКЛАРАТИВ БОСҚИЧДАН АНИҚ ТАШАББУСЛАР, КЕЛИШУВЛАР ВА ҚЎШМА СТРАТЕГИЯЛАР БОСҚИЧГА ЎТДИ. ИҚТИСОДИЁТ СИЁСИЙ МУЛОҚОТНИНГ ТАЯНЧ КОНСТРУКЦИЯСИГА АЙЛАНДИ. РАҚАМЛАР ҲАМ БУНИ ЯҚҚОЛ ТАСДИҚЛАЙДИ. ХУСУСАН, ЎТГАН ЙИЛИ ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИ 1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ.

Шоқир ҒАФФОРОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Шарҳ

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ: ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожидан транспорт тизими алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, самарали транспорт тизими ички бозорда ҳамаше ва махсуслот ҳаракатларини оптималлаштирилади, ташқи савдода мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириб, жаҳон бозорига интеграция жараёнларини тезлаштириш имкониятини беради. Шу боис, тараққийёт сари интилган ҳар бир давлат транспорт-коммуникация тизимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратади.

айланмоқда. Шу мақсадда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келди. Президентимиз шу йил 5 февралда имзолаган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатиши ташкил этиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги ҳамда "Транспорт тўғрисида"ги қонунларга транспорт хизмати кўрсатиши ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш ҳамда ташувлар самардорлиги ва сифатини ошириш орқали юк ҳамда йўловчилар ташинишда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга темир йўл транспортида ва метрополитенда ҳаракат ва ташини хавфсизлиги талабларини ҳамда йўловчиларни, бағаж ва юк бағажини ташини қодаларини бузганлик учун жарима солишга сабаб бўлишини белгиловчи қўшимчалар киритилди. Сўнгги йилларда транспорт тизими фаолияти тубдан тақомиллашяётгани, аҳоли учун қўлайлик ва имкониятлар кенгайиб бораётгани натижасида метрополитен, йўловчи поездлар ва автомобиль транспортида йўловчилар сони ортмоқда. Транспорт тармоқларининг инсон ҳаёти ва иқтисодиёт ривожидидаги ўрни шу тахлит узлуксиз ошиб бораётгани, ўз навбатида, йўловчи ва юкларни манзилга вақтида хавфсиз етказиш, уларга хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлиги, сифатлиги, барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Аммо бу борадаги қатор муаммолар транспорт тизими ривожига тўсиқ бўлаётгани ҳам сир эмас.



— Мисол учун, темир йўл ташувлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича камчилик ва ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, Транспорт назорати инспекцияси юридик хизматни нисбатан фақатгина кўрсатма бериш билан чекланарди, — дейди Олий Мажлис Сенати мулофаз ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов. — Оқибатда масъул ходимлар ўз вазифаларини бажаришда масъулиятсизлик ва лоқайдликка йўл қўярди. Бу эса ташувлар хавфсиз-

лигини таъминлаш бўйича қанда ва талабларнинг қўпол равишида бузилишига олиб келарди. Ана шундай омиллар таъсирида темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда 2024 йилда ҳаракат ва ташини хавфсизлиги талабларининг қўпол бузилиши билан боғлиқ 130 та ҳодиса содир этилган. Оқибатда ҳаракатдаги таркиб ва темир йўл инфратузилмасига қарийб 4 миллиард сўм моддий зарар етказилган.

Шунингдек, автомобиль йўлларининг темир йўллар билан тартибга солинмаган кесилмаларида поездлар ҳамда автотранспорт воситалари иштирокида биргина 2024 йилда 38 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва бунинг оқибатида 11 киши ҳалок бўлган. Шу боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги модда билан тўлдирилиб, ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича қанда ва талабларни бузганлик мансабдор шахсларга ва хизматчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Бугунги кунда ҳудудларда борди-келдилар тобора ривожланмоқда. Яқинларимиз аҳолидан хабар олиш ёки саёхат мақсадида олиқ манзилларга отланар эканми, арзон, қўлай ва манзилга тез етказадиган транспортдан фойдаланиши интилами. Аммо баъзида йўловчи ташитётган машина ёки автобус ҳайдовчиси узоқ манзилдан тунда келиб, 2-3 соат дам олиб яна ортга қайтиши билан боғлиқ ҳолатлар учраб туради. Ҳайдовчининг бундай масъулиятсизлиги ва бепарволиги йўл-транспорт ҳодисасига

сабаб бўлиши мумкин. Бундан қўйилган фактлар ҳам исботлайди. Маълумотларга кўра, 2024 йилда ҳайдовчилар томонидан меҳнат ва дам олиш режимидаги ҳайдовчиларнинг сабабли йўлларда ухлаб қолиш оқибатида 351 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган ва бунинг оқибатида 189 киши ҳалок бўлган, 285 нафари эса жароҳатланган.

Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида республикамиз ҳудудида иш вақти давомийлиги 9 соатдан ортиқ ёки йўналиш масофаси 400 километр ва ундан ортиқ масофага йўловчи ва юкларни ташинишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими Транспорт назорати инспекцияси томонидан назорат қилиб борилиши белгиланди.

Шунингдек, шаҳарларо ва халқаро йўловчи ташиниш амалга ошираётган автобусларда тахограф, яъни транспорт воситаларига ўрнатилган назорат қурilmаси бўлиб, ҳайдовчиларнинг иш вақти, дам олиш вақти, тезлик ва масофани ёзиб боради. Ушбу қурilmа ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилишини таъминлаш ва хавфсизлигини ошириш учун мўлжалланган, уни ўчирган ҳолда транспортни бошқарганлик учун жавобгарлик мавжуд.

Бироқ ушбу қурilmаларда маълумотларга асосан ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимидаги буйсунмагани юзасидан жавобгарлик белгиланмаган эди. Бундай камчиликлар бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши, бундан қўлаб йўловчилар ҳам жабрланиши сир эмас.

Эндиликда қонун билан халқаро ва шаҳарларо автомобиль ташувларини амалга оширишда ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режими бузганлиги базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорига жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Қонунчиликдаги айрим моддаларда маъмурий жазо чораси қатъий санкцияда бўлмаслиги жазо тайинлашда мансабдор шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини кўлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, таниш-билишчилик ва коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, қонун билан бир хил тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун ҳар хил миқдорда жарима қўлланилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга йўловчиларни чиптасиз ташиниш, ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлик учун жариманинг аниқ миқдори белгилаб қўйилди.

Ушбу қонун транспорт хизмати кўрсатиши ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш, ташувлар самардорлиги ва сифатини ошириш орқали юк ҳамда йўловчилар ташинишда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири





ЎЗБЕКИСТОН 2030

ЎЗБЕКИСТОН — 2030

ЎЗБЕКИСТОН — 2030

ЎЗБЕКИСТОН — 2030

ЎЗБЕКИСТОН — 2030

ЎЗБЕКИСТОН — 2030



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Мухими, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунарларни эгаллаш учун зарур шaroитлар шаҳар ва туман марказлари билан бирга энг чекка ҳудудларда ҳам яратилмоқда.

Барқарор ривожланишни таъминлаш замонавий иқтисодий ўзгаришлар шaroитида устувор йўналишлардан. Шу бoнc, жараёнда стратегик режалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган тақлиф мурофиқ, иқтисодийнинг асосий тармоқларини ривожлантиришга қаратилган концептуал ҳужжат “Ўзбекистон — 2030” стратегияси қайта кўриб чиқилди.

Унинг мақсадли кўрсаткичлари, ҳозирги ўсиш суръатлари чуқур таҳлил қилинди ва жаҳондаги вазиятни инобатга олган ҳолда янгилаштирилди. Ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани, айниқса, алоҳида аҳамият касб этади. Уни тақомиллаштиришда фуқаролардан келиб тушган тақлифлар ҳам инобатга олинди. Бу эса стратегияни том маънода халқчил ҳужжат деб аташ имконини беради. Ҳужжатнинг Президентимиз томонидан тасдиқланиши якуновли бошқиб бўлди. Айнан шу воқеа 16 февраль кунини ўтказилган тақдиротнинг марказий нуқтаси бўлди.

Шу кунини давлатимиз раҳбарига энг устувор ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳалари юзасидан ахборот берилди. Мазкур лойиҳалар илгор хорижий тажрибага таяниб, мутлақо янги ёндашув асосида ишлаб чиқилди. Уларда давлат сиёсатининг жорий йилдаги асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ механизми белгиланмоқда. Дастурлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар ҳамда 2026 йил учун энг устувор ислохотларни қамраб олган.

Аҳамиятлиси, бу жараёнда “ҳужжат ишлаб чиқилган натижага эришиш” тамойилига ўтилоқда. Ҳар бир ташаббусни амалга ошириш механизми, йил якунида ижро натижалари бўйича КРП белгиланган. Дастурлар тўғрисида тўғри амал қилиш механизми эга ва айрим ташаббуслар бўйича алоҳида ҳужжат қабул қилишни талаб этмайди. Ҳар бир ислохотлар дастури ижроси учун шахсан жавобгар бўлган масъул раҳбар ва мурофиқлаштирувчи давлат ташкилоти белгиланмоқда.

Тегишли фармон билан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури, 337 банддан иборат амалий тадбирлар режаси, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ва стратегик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати ҳам тасдиқланди.

2026 йилда соҳалар бўйича энг муҳим 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва стратегик ислохотларни назарда тутувчи 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳаларни ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Жамоатчилик муҳокамаси натижаларига эътибор берсак, аввало, фармон лойиҳасига фуқаролар кўшимча тақлифлар билдирганини алоҳида таъкидлаш керак, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Энг асосийси, жамоатчилик муҳокамаларида аҳолининг фаоллиги ошди. Бунини юртдошларимизнинг деярли барча соҳада ўз тақлифлари билан иштирок этганида ҳам кўриш мумкин. Давлат дастури 23 январь — 1 февраль кунлари оммавий ахборот воситалари ва

интернет тармоқларида кенг тарғиб қилинди. Интернетда лойиҳа билан 5 миллиондан ортиқ фойдаланувчи танишиб, 22 мингдан зиёд фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Таҳлиллар натижасида конструктив деб топишган 1000 га яқин тақлиф саралаб олиниб, давлат дастури лойиҳасига киритилди. Бундан ташқари, АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозғистонда ватандошлар иштирокида муҳокама ташкил этилиб, 60 га яқин кўшимча тақлиф олинди.

Дастурлар ижросини молиялаштиришга 250,5 триллион сўм ажратилиши ва 50,4 миллиард доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган. Давлат дастури ижроси бўйича Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси доимий мониторинг юритилади. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорақда ижрони муҳокама қилади. Ҳар ярим йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот ҳамда ҳар ойда Президентимизга ахборот қилиниб боради. Бириктирилган масъуллар ҳар чорақда ижро ҳолати юзасидан Президентимизга ахборот беради.

Давлатимиз раҳбари тақдирот қилинган лойиҳалар билан батафсил таништи. Тегишли фармонни имзолаб, ислохотлар дастурлари ҳамда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастурини тасдиқлади.

Барча ислохот ва чора-тадбирлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши, янги иш ўринлари кўпайиши, даромадлар ўсиши ва аҳоли розилигида ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилди.

Маъмурий тузилма эмас, иқтисодий ўсиш манзили

Мазкур фармон Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувининг энг қуёи бўлини бўлган маҳалла институтининг ролин янги бошқича олиб чиқишни назарда тутди. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” доирасида белгиланган вазифалар маҳаллани шунчаки маъмурий тузилма эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг ўсиш нуқтасига айлантиришга қаратилган.

Бу йўналишдаги ислохотларнинг асосий моҳияти қуйидаги муҳим жиҳатларда акс этади. **Иқтисодий фаоллик ва бандлик.** Маҳаллаларда 10 мингта ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари амалга оширилиши орқали жорий йилда 100 мингта янги иш ўрни очилади. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш билан бирга маҳаллабй ишлаш тизимининг самарадорлигини оширади.

Камбағалликка қарши кураш. 3500 та маҳаллани камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсади давлатнинг ижтимоий сийосати манзили ва натижадор бўлишини таъминлайди.

Инфратузилmani модернизация қилиш. Соҳага йўналтирилган 20 триллион сўм маблағ маҳаллаларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш, яъни ички йўллари тартибга солиш, ичимлик сув ва энергия таъминоти каби энг долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Замонавий бошқарув ва назорат. Ижрoни 24/7 режимда онлайн назорат қилиш



тизими давлат органларининг маҳалла олдидаги масъулиятини ошириб, муаммоларнинг бюрократиясиз, тезкор ечилишига имкон беради.



“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ 2026 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ НОЗАСИДАН АХБОРОТ БЕРИЛДИ. МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАР ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАГА ТАЯНИБ, МУТЛАҚО ЯНГИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Умуман олганда, ушбу ислохотлар маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприкка ва “фаровонлик манзили”га айлантиришни мақсад қилган.

Маҳалла раислари маҳалладаги маблағлар харажатлари борасида ҳар чорак якуни бўйича халққа очиқ ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қурнобоев. — Маҳалладаги ички йўллар, пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида йўналишлар ишлаб чиқилди.

Маҳаллаларда бизнес-инкубаторларни ташкил этиш, дархастларни кесил ҳолатлари бўйича жавобгарлик чораларини янада кучайтириш мақсадида йигирмага яқин йўналишда тақлифлар билдирилган. Жами 1 миллион 300 мингта яқин кишининг бандлигини таъминлаш ва 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш масалалари белгилаб олинган. Мол-мулк ва ер солигининг 15 фоизи, айрим жарималарнинг 10 фоизи маҳаллалар жамғармаларига йўналтирилади.

Технологик ва инновацион модель

Давлат дастурида иқтисодий ислохотларнинг йўналишлари ва аниқ натижага йўналтирилган кўрсаткичлари белгилаб берилди. Яъни соҳа ва тармоқларни технологик ўсиш моделига ўтказиш орқали жорий йилда ЯИМ ҳажмини 167 миллиард доллар, иқтисодий ўсишни 6,6 фоиз даражасида таъминлаш устувор вазифа бўлади. Шу билан бирга, инфляция даражасини 6-6,5

тутилган. Бу кўрсаткичлар иқтисодий ислохотларнинг бевосита инсон манфаатларига хизмат қилишини аниқлади.

Инвестиция ва хизматлар бозори. Иқтисодиётта 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилиши ва хизматлар бозори ҳажмининг 100 миллиард доллардан ошири-



лиши янги технологиялар ва инновациялар оқимини тезлаштиради.

Қурилиш ва инфратузилма. Қурилиш ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш ва 3500 дан зиёд янги хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш ҳудудлардаги урбанизация ва инфратузилма ривожига кучли туртки беради.

Касбларни ривожлантириш бўйича ислохотлар

Касбларни ривожлантириш дастури меҳнат бозорини тубдан янгилаш ва аҳолини оммавий касбга тайёрлашга қаратилган. Дастур доирасида ишчи ва кам таъминланган 400 минг киши касб-хунар, хорижий тил ва тадбиркорликка ўқитилади, 200 мингта яқин мактаб битирувчисининг техникумларда касб эгаллиги таъминланади.

— Жорий йилда Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро ва Фарғона вилоятларида тўртта дата-марказ, иккита суперкомпьютер ва 15 та ОТМда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилади, — дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнирбой Шарипов. — Бу орқали 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳалари амалга оширилади. Шу билан бирга, тўртинчи санат инқилобни маркази ташкил этилади. Натижада мамлакатимизда ўрта ва юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини 5-7 фоиз оширишга эришилади.

Давлат дастурида илмий ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига кенроқ жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсад қилинган. Тадқиқотчилар салоҳиятини кучайтириш орқали мамлакатимизда интеллектуал ресурслар қўлимини кенгайтириш ва илмий-технологик ривожланишни жадаллаштириш кўзда тутилмоқда.

— Касбий таълим соҳасидаги янгиликлардан бири сифатида дуал таълим иштирокчиларига стипендия тўлаш тартиби белгиланмоқда. Жорий йилнинг ўзига 100 мингдан ортиқ ўқувчи стипендия билан таъминланади. Шунингдек, ҳудудларда Хитой устaxonалари фаолияти йўлга қўйилади, — дейди Касбий таълим агентлиги директори Азимжон Хусанов. — Шунингдек, касбий таълим соҳасида ўқувчиларнинг халқаро кўрик-танловлардаги иштирокини муносоиб рағбатлантириш механизми жорий этилмоқда.

Мустақил таълимни ривожлантириш учун 100 дан ортиқ касбни ўргатуви миллий платформа ишга туширилади ва 24 та малака баҳолаш маркази ташкил этилади. Таълимдан ишга ўтишни таъминлаш мақсадида “Карьера” электрон платформаси орқали 1,6 миллион талаба ва битирувчи ҳамда 50 мингдан зиёд иш беришни ягона меҳнат бозорига уланади. Техникум тизими кенгайтирилиб, 100 мингдан зиёд ўқувчи стипендия тайинланади. Халқаро таълим дастурлари асосида 8000 ўқувчи тайёрланади. Шунингдек, 20 та Ўзбекистон — Хитой устaxonаси ташкил этилади. Умуман, дастур оммавий касбга ўқитиш ва рақамли меҳнат бозори орқали иқтисодиёт учун замонавий, рақобатбардор кадрлар захирасини шакллантиришга қаратилган.

Экологик мувозанатни таъминлаш ва сувдан оқилona фойдаланиш

Экологик мувозанатни таъминлаш ва сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш бўйича ислохотлар мамлакатда “яшил” иқтисодиётни шакллантириш ҳамда табибий ресурсларни тежашга қаратилган устувор чораларни қамраб олади. Ушбу йўналиш доирасида илгор технологияларни жорий этиш ҳисобига 7 миллиард куб метр табибий газ тежалиши, атмосферага 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқарилишининг олди олиниши кўзда тутилган.

— Аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келатган кунлик экологик муаммолар ушбу дастурда эътиборсиз қолдирилмаган, — дейди Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари Искандар Қўтибдинов. — Масалан, аҳолининг экологик транспорт, яъни электромобилдан фойдаланишини рағбатлантириш назарда тутилмоқда. Бунда имтиёзли автокредитлар бериш режалаштирилган. Шунингдек, санат корхоналари атмосферага чиқараётган ташланмаларни камайтириш борасида ҳам қатор вазифалар белгиланган.



УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Мамлакатимизнинг айрим ҳудуди субтропик иқлимга эга. У ерда иссиқхоналар фаолият юритса, уларга газ, кўмир керак бўлмайди. Бунини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида фаолият юритаётган иссиқхоналар субтропик ҳудудларга кўчирилса, уларга кўшимча солиқ имтиёзлари, субсидия қўлиниши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 504 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали 5 миллиард куб метр сув иқтисод қилинади. Кадрлар тайёрлаш ва экологик маданиятни кучайтириш мақсадида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир ҳудудда 14 та “яшил” техникум дуал таълим асосида ташкил этилади. Шу билан бирга, эксплуатация мuddати ўтган автомобилларни утилизация қилиш ва уларни қайта ишлаш тизими йўлга қўйилади. Электромобиллардан фойдаланиш қўлимини кенгайтириш учун аҳолига 16 фoизгача имтиёзли кредит ажратиш тартиби жорий этилади.

Сув ресурсларини тежаш ва инфратузилmani модернизация қилиш ҳам асосий йўналишлардан. Яқин йилларда сув тежовчи технологиялар қўлими 60 фoиздан 80 фoизга кенгайтирилади. Хусусан, очиқ дренаж, коллектор ва каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш, 1300 километр канал ва суғориш тармоқларини бетонлаштириш орқали йилга кўшимча 500 миллион куб метр сув тежаш режалаштирилган.

Умуман, мазкур чоралар экологик хавфларни камайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳоли учун барқарор ҳамда соғлом яшаш муҳитини шакллантиришга қаратилган.

Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш

Ҳужжатда акс этганидек, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг ташқи қарзни бошқариш соҳасидаги, депутатларнинг маҳаллаларда яшил боғлар, яшил жамоат паркларини ташкил этишдаги ваколатлари кенгайтирилади.

Суд-ҳуқуқ тизимида адолат ва шаффоқликни таъминлаш мақсадида ўта оғир жиноят ишларини судда жамоатчилик вакилларидан иборат халқ вакиллари ҳайъати иштирокида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилади. Шунингдек, жиноят процессида мажбурув чоралари қўлиниши устидан суд назорати кучайтирилиб, тергов судьялари ваколати кенгайтирилади.

Бундан ташқари, коррупция, гиёҳвандлик, абеллар ва болаларга нисбатан зўравонлик каби жамият учун долзарб таҳдидларга қарши курашишнинг самарали тизими йўлга қўйилиб, ҳуқуқий тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг янги механизми жорий этилади.

Дастур халқ муҳокамалари асосида шаклланиб, тасдиқланади. Мақсад ва унга эришиш йўллари белгилаб берилди. Молиялаштириш манбалари аниқ, Фармон билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар)лар ҳокимларига ислохотлар дастурларини худудлар кесимида амалга ошириш бўйича шахсий масъулият юклатилмоқда.

Давлат дастури билан танишар эканмиз, ҳар бир банд, ҳар бир бўлим аниқ мақсад ва натижага асосланганига гувоҳ бўламиз. Асосийси, давлат дастури ижросига нафақат давлат идоралари, балки жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлар ҳам кенг жалб этиляпти. Шунингдек, парламент ва жамоатчилик назоратига таянилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳужжат ҳар томонлама пухта ишланган, мақсади эса эзгу. Энг асосийси, бу жараёнда ҳар биримиз дахлдорлик ва масъулиятни ҳис этмоғимиз муҳим аҳамиятга эга.

ДУНЁНИНГ УЧ НУҚТАСИ

ЎЗБЕК МАҲСУЛОТЛАРИ НУФУЗЛИ КЎРГАЗМАЛАРДА

2026 йил 20 февраль, 35-сон

Яқинда бир тадбиркор билан суҳбатлашганимда, қўлда тўқилган хунармандлик маҳсулотларини деярли бозорга олиб чиқмаслиги, асосий харидорларни халқаро кўргазмалардан топишини айтиб қолди. Ўтган йили шундай йирик кўргазмаларнинг бирида Нью-Йоркда чоп этиладиган машҳур журналдан буюртмалар олгани, йигирмадан ортиқ маҳсулот етказиб берганини айтганида унчалик ишонмадим. Ўша журнални varaқлагач, саҳифаларида айнан шу хунарманд тўқилган сумкаларнинг суратини кўргач, ҳайратимни яширмадим.

Назаримда, халқаро кўргазмалар маҳсулотларини бир бурчакка жойлаштириб, бир неча кун давомида одамлар учун намоиш этидиган жой деган тасаввурим ҳали ҳам сақланиб қолган. Аммо бундай эмаслигига яна бир бор амин бўлдим. Ҳозир юртимиз тадбиркорлари маҳаллий ва хориждаги кўргазмаларда фаол иштирок этиш ортидан қўллар ҳамкорлар топиб, янги бозорларга чиқмоқда. Кўргазма майдонининг ўзидаёқ йирик шартномалар имзолаяпти. Бу миллий брендимиз остидаги маҳсулотларимиз жаҳон бозорига танилиши, харидорлар ишончига кириши ҳамда экспорт кўрсаткичлари каррасига ошишига хизмат қилмоқда.

2030 йилгача мамлакатимиз экспорти ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу маргага эришиш учун аънанавий бозорлар билан чеклиниб қолмасдан, янгиликларга чиқиш зарурлиги қайта-қайта таъкидланяпти. Юртимизнинг дунё давлатларига очкич сисёти бунга катта имконият бермоқда. Аммо жараёнда маҳаллий тадбиркорлар иштирокини доимий ошириб бориш учун амалий ҳаракатлар зарур. Кейинги йилларда маҳаллий ишбилармонларимизнинг халқаро кўргазмалардаги иштирокини оширишга қаратилган ишлар шуларнинг бир қисми.



Аммо битта кўргазмада қатнашиш қанчалик қимматга тушиши, у ердан жой олишнинг ўзи катта харажат талаб этиши, натижа эси кафолатланмаганини бизнес вакиллари яхши билади. Шунинг учун ҳамма тадбиркор ҳам бунга жазм қилавермайди. Охириги йилларда эса бу харажатларни давлатимиз ўз зиммасига оляпти. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фақат кўргазмага бориб, маҳсулотини намоиш этиш қийна.

Яъни тадбиркорларимизнинг чет мамлакатларда ўтаётган ярмаркалардаги иштироки давлатимиз томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиб, бориш-келиш харажатларидан тортиб, кўргазма майдонига қатнашишигача бепул ташкил этил-

моқда. Аҳамиятлиси, ҳар гал делегация таркибидан ўнлаб, юзлаб ишбилармон жой олипти. Ҳар бири кўргазма давомида битта харидор топиб, бир неча миллион долларлик шартнома имзолаганда ҳам яхшигина натижага эришиш мумкин. Шундай бўлганда ҳам, ишбилармонларимиздан иборат делегация вакиллари халқаро кўргазмадан аниқ натижалар билан қайтмоқда. Айниқса, бу янги тадбиркорлар учун катта имконият бўлиб, қисқа вақтда экспортга чиқишига йўл очаяпти. Натижада экспортёр корхоналар сони тобора кўпайиб борапти. Ҳозир кичик бизнес эгаси ҳам экспортга чиқишга интиляпти, чунки бунинг учун имконият ҳам, кўмак ҳам етарли.

Шаҳзодбек МУТАЛОВ, "ISKO" қандалот корхонаси раҳбари:

— Кўргазма давомида асосий харидорлар араб давлатларидан бўлди. Улар маҳсулотларимизни шунчаки татиб кўрмади, балки доимий ҳамкорлик тақлифини билдирди. Ширинликларнинг таъми уларга жуда маъқул келди. Маҳсулотлар тури ва сифатидан ҳайратга тушганларини ҳам яширишмади. Ойига 70-80 тонна атрофида қандалот маҳсулотини барқарор олишини айтишди. Бу бўйича қатор масалаларда келишиб олдик. Айни пайтда келишувларнинг иккинчи босқичи кетяпти ва нарх-наво ҳамда кейинги операциялар бўйича музокара олиб бориляпти.

Кўргазма давомида харидорларни, асосан, логистика ва сертификатлар масаласи қизиқтиришга гувоҳ бўлдим. Яъни маҳсулотларимизнинг таъми ва сифати борасида ҳеч қандай шубҳалари йўқ, жуда маъқул келяпти. Фақат етказиб бериш ва халқаро стандартларга мослик жиҳатлари музокараларни талаб қилляпти. Очиги, олдинлари халқаро сертификатлар борасидаги камчиликлари сабаб Ўзбекистон фақат



воситачи бўлган. Яъни иккинчи давлат биздан маҳсулот сотиб олиб, Европа бозорларига экспорт қилган. Кейинги йилларда юртимизда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилиб, халқаро бозорга ҳар томонлама мослашишимиз ортидан бугун ўзимиз маҳсулотларини исталган бозорга тўғридан тўғри олиб кираймиз. Логистика йўналишидаги масалаларнинг ҳам бирин-кетин ечилиётгани экспортни қулай-

лаштиряпти. Масалан, араб ҳамкорларимизга маҳсулотларни контейнер орқали жўнатасан, арзонроқ тушиши ҳақида гаплашдик. Бундан олдин кўргазмаларда ҳам салкам 1 миллион долларлик шартнома имзолаган эдик. Маҳсулотни экспорт қилиш, логистика ва бошқа масалаларда ҳеч қандай муаммо бўлмади. Яъни халқаро кўргазмалар ҳамкорлар топиш, экспортга чиқиш учун жуда қулай, айниқса, янги очилган корхоналар учун. Ўзимиздан мисол, ҳар бир мижоз билан тахминан йиллик 1-1,5 миллион долларлик шартнома имзоланади. Агар битта кўргазмада 3 та мижоз билан шартнома имзола-са, 3-4 миллион долларлик келишувга эришилади дегани.

Корхонамиз 2007 йилдан буён фаолият кўрсатади ва ишни кичик ишлаб чиқариш ҳиссадан бошлаганимиз. Ҳозир 2 та катта заводимизда 70 хилдан ортиқ қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ироқ, Иордания, Ливан, Фаластинга экспортни йўлга қўйганимиз. Яқин вақтларда БАА, Уммонга экспорт боришини режалаштиряймиз. Халқаро кўргазмаларда доимий иштирок этиш орқали ҳамкорларимиз сафини янада кенгайтириб боришни кўзлаганимиз.

АМЕРИКА ПАВИЛЬОНЛАРИДА

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида экспорт ҳажмини ошириш, янги бозорларга кириб бориш ҳамда миллий брендимизни янада танитиш борасида аниқ вазифалар белгиланган. Шу боис, йил бошидан бу борадаги ҳаракатлар бошлаб юборилди. Савдо-саноат палатаси бошчилигида тадбиркорларимиздан иборат делегация бугунга қадар қатор йирик халқаро кўргазмаларда иштирок этди.

Булар шунчаки кўргазма эмас, глобал савдо бозорининг бир қисми. Уларда катта шартномалар тузилади, бозорлар тақсимланади, иқтисодий шериклар топилади. Маҳаллий тадбиркорларимиз эса ривожланган мамлакатлар қаторида ана шу майдонлардан жой эгаллаб, миллий маҳсулотларимизни намоиш этмоқда. Янги ҳамкорлар, бизнес шериклар топяпти.

Дастлабки бизнес сафари АКШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган "Texworld New York City" халқаро кўргазмаси бўлди. У жаҳон тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги энг йирик тадбирлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиздан 20 га яқин етакчи компания "Made in Uzbekistan" миллий бренди остида 20-22 январь кунлари мазкур халқаро кўргазмада иштирок этди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган матолар, ип-калавла, тайёр кийимлар, замонавий аксессуар ва инновацион ечимлар намоиш қилинди. Миллий маҳсулотларимизнинг юқори сифати, экологик тозаллиги ва жаҳон стандартларига мослиги халқаро харидорлар ва экспертлар эътиборини тортаётгани сир эмас.

"Texworld New York City" дунё бўйича жуда машҳур кўргазмалардан бири. Ҳатто унинг қатнашчилари жаҳон миқёсига чиққан тадбиркор



сифатида эътироф этилади. Шу боис, кўргазмадаги иштирокимиз нафақат миллий маҳсулотларимиз тарғиботи, балки Ўзбекистоннинг тўқимачилик салоҳиятини халқаро майдонда намоён қилишда ҳам муҳим қадам экани айтилмоқда.



Таҳлилларга кўра, ўтган йили мамлакатимиз тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ҳажми 134 триллион сўмни ташкил этиб, 2,5 миллиард долларлик экспорт амалга оширилди. 2026 йилда бу кўрсаткични 3,3 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бунда халқаро кўргазмаларнинг ўрни алоҳида. Ўтган йили айни шу кўргазмада иштирок этиб, АКШ бозорига кириб борган, бу галги иштироки ортидан ана янги ҳамкорлар топишга эришган тадбиркорларимиз ҳам шунини таъкид-ляяпти.

мутасаддилар ёнимизда туриб, доимий йўл-йўриқ кўрсатяпти.

Бугун маҳаллий тадбиркорларга берилаётган имкониятлар ортида миллий маҳсулотларимизни жаҳон бозорига кенгроқ олиб чиқиш мақсади бор. Айниқса, тўқимачилик соҳасидаги имтиёзлар самараси кейинги йилларда яққол кўзга ташланыпти. Юртимизда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати бу қадар ривожланишини бундан ўн йиллар олдин ўзимиз ҳам тасаввур қилмаганимиз. Ҳозир соҳадаги тадбиркорлар сони, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатини кўриб, ҳайратга тушмаслигининг иложи йўқ. Аҳамиятлиси, ўзимизнинг бренд, ўзимизнинг маҳсулотлар.

Улар ўнлаб давлатга экспорт қилиняпти. Ўзимиздан мисол, корхонамизда деярли барча турдаги тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3 миллион донадан юқори. 2022 йилдан буён маҳсулотларимиз фақат экспортга йўналтирилди. Асосий харидорларимиз Россия, Қозғистон, Туркменистон, Озарбайжон бўлса-да, кейинги йилларда янги бозорларга кириб бора-ямиз. Америка бозори шулардан бири.

Нью-Йоркда ўтган кўргазма давомида бу бозорни кенгроқ ўрганди ва харидорларни асосан маҳсулотларимиз сифати, нархи, етказиб бериш мўддатлари ҳамда халқаро стандартларга мослиги қизиқтиришига гувоҳ бўлдик. Бу борадаги тақлифларимиз уларга маъқул келяпти.

МИЛЛИЙ БРЕНДЛАРИМИЗ ИРОҚДА

Аваллари Афғонистон, Ироқ бозори деса, тадбиркорларимизда ҳадик бўларди. Ҳозир уларга энг истиқболли, маҳсулотларга талаб юқори бўлган бозорлардан бири сифатида қаралаяпти. Маҳаллий ишбилармонларимиздан иборат делегация бир неча бор ушбу давлатларда бўлиб, доимий тарзда кўргазма, бизнес-форумларда иштирок этипти. Ҳатто Ўтган йили ноябрь ойида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги йирик савдо ҳудудида Ўзбекистонлик электротехника йўналишидаги тадбиркорлар маҳсулотлари сотиладиган каттагина савдо маркази иш бошлади.

Шундай қилиб, тадбиркорларимизнинг навбатдаги сафари Ироқнинг Бағдод шаҳрига бўлди. Юртимиздан борган 200 дан ортиқ ишбилармон 1-7 февраль кунлари нуфузли "Baghdad International Fair" халқаро кўргазмасида иштирок этди. Ўзбекистон миллий экспозицияси учун минг квадрат метр майдон ажратилди. Павильонда юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, тўқимачилик, енгил саноат, электротехника ва бошқа турдаги экспортбў маҳсулотлар "Made in Uzbekistan" бренди остида намоиш этилди.

Маълумотларга кўра, мазкур нуфузли тадбир Ироқнинг энг йирик савдо платформаларидан бири бўлиб, ҳар йили дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан йирик компаниялар вакиллари катнашади. Кўргазма халқаро бизнес алоқаларини кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун муҳим майдон вазифасини ўтайди.

Ёрқин МАЛИКОВ, Ўзбекистон экспортчилар уюмчаси раиси:

— Кўргазма кутганимиздан ҳам юқори даражада ўтди. Ироқ савдо вазири, иштирокчи давлатларнинг элчилари ҳамда кўргазманинг нуфузли меҳмонлари биринчи бўлиб "Made in Uzbekistan" миллий экспозицияси павильонига ташриф буюриб, фақат Ўзбекистонга фахрий иштирокчи мақомини берди. Вакилларимиз катта ҳурмат билан кутиб олингани ҳам ҳамкорликка ҳар икки томон очик эканидан далолат беради.

Ироқ бозорининг умумий савдо айланмаси 250 миллиард доллар бўлиб, шундан 95 миллиард доллар импорт ҳиссасига тўғри келади. Яъни экспорт учун катта бозор бор. Шу боис, биз озиқ-овқат йўналишининг ўзида 1 миллиард долларлик экспортни амалга оширишни режалаштиряймиз. Бошқа соҳаларда ҳам имкониятларимиз юқори.

Ироқ бозорига худди Афғонистонники каби маҳаллий маҳсулотларимизга талаб жуда катта. Асосий жиҳати, мамлакатда сертификатлар бўйича қатъий талаблар мавжуд эмас, бож



тўловлари ҳам деярли йўқ. Ироқлик тадбиркорлар маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирипти. Улар асосан Туркия, Эрон, Хитойдан импорт қилар экан. Ўзбекистон билан савдо қилишда ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ. Логистика жиҳатидан ҳам жуда қулай, 7-8 кунда маҳсулот кириб боради. Бу бизнинг тадбиркорлар учун ҳам яхши имконият.

Умуман, ана шундай халқаро кўргазмалар жараёнида тадбиркорларимиз нафақат янги


бозорларга чиқиб ҳамкорлар топяпти, балки халқаро майдондаги савдо талаблари, янги тенденцияларини фаол ўрганиб, шунга мослашмоқда. Аммо мақсад фақат кўриб, ўрганиб келиш эмас. Ҳар бир тадбиркор аниқ мақсад билан кетди ва жараёндаги йирик шартномалардан ҳам унчалик қийинчиликлар бўлмади. Бир мисол, ўтган йил давомида Ўзбекистондан ҳамма 700 тадбиркор Афғонистондаги турли кўргазмага олиб борилди. Натижада ушбу майдонда экспорт ҳажимини 2024 йилдагига нисбатан деярли икки баравар ошиб, 1 миллиард 800 миллион долларга етди. Бошқа давлатлар билан ҳам шундай натижалар кузатиляпти.

Тадбиркорлардан сўрасам, халқаро кўргазмалар ҳақида тўқилгани, янги ҳамкорлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиряпти. Демак, экспорт кўрсаткичларимизни оширишга қаратилган бу ҳаракат ҳам яхшигина натижа бермоқда. Олдинда яна қўллаб-қувватлаш халқаро кўргазмалар борлиги, тадбиркорларимиз аллақачон уларга тайёргарликни бошлаб юборганлари ҳақида айтиди.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ ҚУРИЛИШИ ШАРТ

Қарийб 10 йилдирки, мақтабгача таълим тизимини тубдан ўзгартириш, кескин ривожлантириш йўлидамиз. Бу борада кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳа олдига қўйилган вазибалар баҳоли қудрат бажариб келиняпти. Натижада мақтабгача таълим ислохотлар самараси сезилаётган соҳага айланди.



Нуқтаи назар



Эъзозхон КАРИМОВА, мақтабгача ва мақтаб таълими вазири

Президентимизнинг шу йил 5 февралдаги “Мақтабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида қатор муҳим вазифа ва топшириқлар белгиланди.

Биринчи навбатда, мақтабгача таълим ва тарбия тизимини хориж тажрибаси асосида такомиллаштиришга эътибор берилляпти. Бу ўз-ўзидан боғчаларда зарур шароит ва имкониятлар яратишни талаб қиладди. Шунингдек, фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук тарбияланиши учун тарбиячи-педагогларни олий маълумотли қилиш, уларга дуал таълим шаклида ўқиш имконияти берилляпти. Бундан ташқари, тизимда нодавлат сектори кўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қатор имтиёзлар бериш каби муҳим масалалар фармонда ўз аксини топган.

Мақтабгача таълим тизимида сифатни ошириш мақсадида боғчалар учун локомотив бўлиб хизмат қиладиган “Янги авлод”

Мақкур боғчаларга болалар белгиланган тартибда қабул қилинади.

2026 йилда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистонда, 2027 йилда яна 6 ҳудудда, 2028 йилда қолган 6 та ҳудудда “Янги авлод” мақтабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади. Улардаги инновацион марказларда ота-оналар учун ҳам, педагоглар учун ҳам тарбия йўналишида замонавий, янги технологиялар тадқиқ қилинади. Марказларда ижод ва санъат, фан ва математика, жисмоний фаоллик ва саргузашт, тил ва тасаввур ҳамда робототехника йўналишида тематик ўйинҳоқлар ҳам ташкил этилади.

Инновацион марказларни бошқариш учун бир нафар директор ўринбосари ва ҳар битта тематик ўйинҳоқа йўриқчи лавозимлари таъсис этиляпти. Бу ҳам соҳада янги иш ўринлари очиб ва соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришга хизмат қиладди. Номзодлар ўз устида астойдил ишлайди, тимингиз язналади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб педагогика олий таълим ташкилотларида мақтабгача ва бошланғич таълим йўналиши бўйича бакалаврлар халқаро илгор тажриба асосида тайёрланади. Бинобарин, тарбиячи-педагоглар малакасини ошириш ҳамда ўрта махсус маълумотлиларни олий маълумотли қилиш юзасидан ҳам алоҳида топшириқ бор. Бунинг учун тегишли олий таълим ташкилотлари дуал таълим (5+1) асосида мақтабгача таълим йўналишида тўлов-шартнома асосида бакалаврлар тайёрлашни йўлга қўяди. Ўз-ўзидан мақтабгача таълим

топшириқ берди. Бу ҳам соҳа вакиллари учун рағбат, моддий манфаат ўлароқ, таълим-тарбиянинг сифати ошишига муҳим омил бўлади.

Мақкур фармон билан мақтабгача таълим тизимида хусусий секторни кўллаб-қувватлаш янада кучайтирилади. Аини масала бўйича алоҳида топшириқлар мавжуд.

2026 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрини истисно қилган ҳолда мақтабгача таълим қарови 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)лардаги тадбиркорлик субъектлари учун қатор имтиёзлар жорий этилмоқда. Хусусан, мақтабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг бўш ер майдонида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақтабгача таълим ташкилотларини барпо этишга руҳсат бериллади.

Бунда 30 йил ижара тўлови ундирилмайди. Ҳар бир бола учун 9 соатлик иш режимидаги давлат мақтабгача таълим ташкилотларининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган харажатнинг 50 фоизи миқдорда электрон давомат асосида давлат-хусусий шериклик битими амал қилиш муддати давомида субсидия бериллади. Мақкур имтиёз қарови даражаси 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)ларда 2024 йилдан бошлаб ташкил этилётган нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларига нисбатан ҳам тағбиқ этилади. Мақтабгача таълим қарови 80 фоиздан паст бўлган туман (шаҳар)лар рўйхати эса Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирилик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ушбу рўйхат ҳар молиявий йил учун янгиланб қилирилади. Нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш учун жорий этилётган имтиёзлар ҳам жойларда қўшимча ўринлар очиб имконини беради.

2027/2028 ўқув йилидан бошлаб мақтабгача тайёрлов гуруҳлари ўқув тури мажбурий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида киритилиши белгиланди. Яъни умумий ўрта таълим тизими тўрт босқичдан иборат бўляпти. Демак, биринчи босқичда бир йиллик мажбурий мақтабгача тайёрлов дастури 6-7 ёшли болалар учун, кейингиси бошланғич синфлар — 7-11 ёшлилар учун. Бу босқич 1-4-синфлар қамраб олади. Таянч ўрта таълим 5-9-синфларда 12-16 ёшлиларга бериллади. Охиригиси — ўрта таълим 10-11-синфлар, яъни 17-18 саккиз ёшлилар иштирокида бўлади.

Мақтабгача тайёрлов гуруҳларида ўқиган болаларга мажбурий мақтабгача тайёрловдан ўтганлик ҳақидаги электрон сертификат бериллади. Яъни мажбурий мақтабгача тайёрлов таълим дастури бошланғич таълим дастури билан уйғунлаштирилади. Бунинг учун “Таълим тўғрисида”ги қонун ҳамда мақтабгача таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши белгиланди.

Тизимда қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат, аввало, қаровни ошириш, шунингдек, соҳанинг дунёвийлик касб этишига хизмат қиладди. Шундай экан, мамлакатимиз шарафини илм-фан билан химоя қиладиган ёш авлод учун ҳам таълимнинг пойдеворини мустаҳкам қуришимиз зарур.



мақтабгача таълим ташкоти тармоғини ташкил этиш ҳам белгиланди. Бу бўйича Жанубий Корея, Япония, Хитой, Германия каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўйинга асосланган таълим методи билан мақтабгача таълим тизимини такомиллаштиришни режалаштиряпмиз.

“Янги авлод” мақтабгача таълим ташкилотлари тармоғи болаларни ривожлантириш инновацион марказларини қамраб олади.

ташкоти ва иш ўринлари кўпаяди. Қисқаси, ўрта махсус маълумотли педагогларнинг ҳам олий маълумотли бўлиши учун имконият яратилади. Бу, албатта, болалар боғчасида таълим-тарбия сифатини оширишга хизмат қиладди.

Давлатимиз раҳбари мақтабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар, педагогларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида уларнинг ойлик маошига 20 фоиз устам қўйиш бўйича



20 февраль — Бутунжаҳон ижтимоий адолат куни



2026 йил 20 февраль, 35-сон

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ — ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жаҳонгир ИСАЕВ, Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи



XXI асрдаги тараққиёт жараёни ижтимоий адолат таъминланмаган жамиятда барқарор ривожланишга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари қанчалик юқори бўлмасин, унинг маҳсули аҳоли қатламлари ўртасида адолатли тақсимланмаса, жамиятда ижтимоий ишонч сусаяди, тенгсизлик чуқурлашади. Натижада давлат ва аҳоли ўртасида кўринмас тўсиқ юзага келиб, ўзаро масъулият ва ишонч асослари заифлашади.

Шу боис, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари тизимида ижтимоий адолат марказий ғоя сифатида белгиланган. У камбағалликка барҳам бериш, муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда тенгсизликни қисқартириш билан узвий боғланган.

Ҳозир қарийб 700 миллион инсон ўта камбағаллик шароитида ҳаёт кечирмоқда. Бу ижтимоий адолат масаласи глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг ҳал қилувчи, муҳим омилга айланганини кўрсатади. Расмий бандлик даражаси паст, ижтимоий химоя тизими заиф мамлакатларда тенгсизлик иқтисодий ўсишни челковчи асосий тўсиқлардан бирига айланмоқда. Демак, ижтимоий адолат фақат ижтимоий сифат йўналиши эмас, балки миллий ривожланишнинг стратегик шартидир.

“Янги Ўзбекистон тараққиёт моделида “ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак” деган тамойил асосий мезон сифатида қарор топаётгани ижтимоий давлат барпо этиш йўлидаги изчил ҳаракатларнинг натижасидир.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Зокир ЗИКРИЯЕВ, Ренессанс таълим университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор



Ўзбекистон олий таълим тизимидаги кенг қўламли ислохотлар тараққиётининг устувор йўналишларидан биридир. Олий таълимнинг қамровини ошириш, ўқитиш сифати ва мазмунини халқаро



Ҳамкорлик

стандартлар асосида янгилаш, олий таълим муассасаларининг академик ва институционал муассасиларини кенгайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар самарасини берапти. Ўзбекистон олий таълими ёпиқ тизимдан очىқ, рақобатбардор ва глобал билим маконига интеграциялашган соҳага айланаётгани шундан далолат.

Мақкур ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири — хоржий нуфузли университетлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва халқаро таълим дастурларини жорий этишдир. Қўшма таълим дастурлари, икки дипломли йўналишлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, халқаро аккредитация жараёни бугунги кун олий таълимнинг ажралмас қисмига айланди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон олий таълим тизимидаги ислохотлар ва Туркия билан ўқитиш

соҳасидаги ҳамкорликни ўрганиш ҳамда амалий натижаларини ёритиш бугун доллар аҳамияти касб этади. Зеро, айнан мана шундай ҳамкорлик орқали билимга асосланган тараққиёт модели шаклланиб, мамлакатнинг узок муддатли ривожланиш мақсадларига хизмат қилувчи мустаҳкам кадрлар пойдевори яратилмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида халқаро ҳамкорлик таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан. Аинқиса, тарихий илдизла-

ри, маданий ва маънавий қадриятлари муштарак бўлган Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқалар ўқитиш соҳасида мушлақ янги босқичга кўтаришмоқда. Президентларнинг юқори даражадаги учрашувлари, ўзаро дўстона мулоқоти икки давлат ўртасидаги таълим ҳамкорлигини янада мустаҳкамламоқда. Хусусан, ўзим фаолият юритаётган Ренессанс таълим университетиде 150 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтидорли талабалар учун Туркиянинг нуфузли университетларида қисқа муддатли стажировкалар ташкил этилди. Улар нафақат академик тажриба алмашиш, балки таълим жараёнига замонавий ёндашувлар, илгор педагогик технологиялар ва инновацион методларни жорий этишда муҳим ўрин тутди. Натижада профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти янада ошиб, талабалар халқаро таълим муҳити билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди.

Ренессанс таълим университети ҳамда Баликесир университети ҳамкорлигида туризм менежменти йўналишида йўлга қўйилган қўшма таълим дастури ҳамкорликнинг энг истиқболли натижаларидан. Чунки ушбу дастур доирасида талабалар икки давлат олий таълим муассасаларида босқич-ма-босқич тахсил олиб, битирув якунида икки университетнинг дипломининг олади. Бу талабаларнинг халқаро таълим сифатиغا ишончини мустаҳкамлаш баробарида етакчи халқаро компания ва нуфузли ташкилотларда фаолият юритишга кенг йўл очади. Ёзи таълим дастурлари ҳам ҳамкорликнинг энг ёрқин ва самарали кўринишларидан. Ёз ойларида ташкил этилган 3 ойлик лагерлар доирасида талабалар туризм таълим йўналиши бўйича амалий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлади. Сайёҳлик саноатининг ҳақиқий муҳитида ўтил-

ган машгулотлар, амалий тренинглар ва тажриба алмашувлар натижасида талабалар назария билан амалиётни уйғунлаштириш алоқадар, халқаро меҳнат бозорига рақобатбардор мутахассислар сифатида шаклланимоқда. Бу эса келгусида минтақада туризм соҳаси жадал ривожланишига хизмат қилувчи кучли кадрлар захирасини яратишга замин бўлмоқда.

Яна бир муҳим ютуқ шундаки, Туркиянинг нуфузли олий таълим муассасалари — Истанбул университети, Истанбул техника университети, Баликесир университети ҳамда Bantirma Onyedi Eylül университетлари билан ҳамкорликда Ренессанс таълим университети бакалаврият босқичи битирувчиларини магистратурага мақсадли қабул асосида ўқишга юбориш механизми йўлга қўйилди.

Таълим билан бир қаторда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар ҳам изчил йўлга қўйилляпти. Жумладан, Ренессанс таълим университетида ташкил этилган марказда талабалар туркий халқларнинг бой маданий мероси, тили, анъаналари ва қадриятларини чуқур ўрганмоқда. Бу уларнинг миллий ўзлигини англаш ва дунёқарашни кенгайтиришга асқатади. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги таълим соҳасидаги кенг қамровли ҳамкорлик келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор яратиб, замонавий билимга эга, миллий ва умуминсоний қадриятларини чуқур англайдиган, халқаро миқёсда рақобатбардор кадрлар етишиб чиқмоқда. Энг муҳими, бу алоқалар икки дўст ва қардош давлат ўртасидаги стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаб, таълим орқали тараққиёт сари омиб бурувчи барқарор ва узок муддатли ривожланиш моделини шакллантиряпти.

Янги Ўзбекистонда етишиб келаётган “олтин авлод” тийнагида “мен кучлиман” деган кайфият ҳукмрон. Маънавият билан озикланган шижоатли авлод ўзида уйғонаётган ватанпарварлик хислатларини дунёга намойиш қиляпти.

www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Мушоҳада

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЙЛИК

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

Биз ҳақиқатан шиддатли замонда яшаймиз. Ҳаёлга тез-тез бугунги ислохотлар ва янгиланишлар жараёни келажак авлодга қандай мерос қолдиради деган ўй келади. Зотан, ўзлигини англаган, ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ҳар бир юрдошимизнинг кўнглидан шундай саволлар ўтиши табиий. Бу саволларнинг жавоби эса битта: биз Ўйғониш даврида, буюк ўзгаришлар ва юксак марралар сари дадил одимлаётган янги Ўзбекистонда яшаймиз.



Бугунги дориламон кунларга баҳо беришда кўпни кўрган нурунийларимизнинг фикри гоёт қимматли. 86 ёшни қаршилаган устоз журналист Тўлқин Қозокбоевнинг кўйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: “Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб, шу кунларга етиб келдим. Инсоф билан, ҳолис айтганда, бугунги эркинлик, имкониятлар тарихда ҳеч қачон бўлган эмас. Шу кунларнинг қадрига етишимиз, шукроналик билан яшашимиз керак. Меҳнат қилган, эл-юрт учун эсон куйдиран инсонлар юзага чиқмоқда”.

Дарҳақиқат, ватанига содиқ, унинг равишига учун ҳисса қўшаётган инсонлар бугун қадрланмоқда. Уларнинг фидойилиги туйғайли Ўзбекистон халқро майдонда янги марраларни забт этмоқда. Бир йилда эришилаётган натижалар қамров ва мазмун жиҳатидан ўн йилликларга татигуликдир.

Ҳар бир даврнинг ўз қаҳирини, ўз миссияси бўлади. Бизнинг вазифамиз бошланган ислохотларни жадаллаштириш, натижаларимизни жаҳон андозалари билан бўйлаштиришдир. Бугун Ўзбекистон байроғи дунё ареналарида баланд ҳилпирамоқда, мадҳиямиз садолари халқро минбарларда янграмоқда. Бу бизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Кейинги пайтларда минбарларда янграётган “Маррани баланд олайлик” деган эзгу даяват шунчаки широк эмас, балки ҳар биримизнинг кундалик фао-



Бугунги кун манзараларига ҳолис назар ташлаган ҳар қандай инсон борки, мамлакатимиздаги туб бурилишларни, ҳаёт сифати ошиб бораётганини эътироф этмай иложи йўқ.

Юртимизда тадбиркорлик муҳити эркинлаштирилиши ҳамда хусусий секторга кенг йўл очилиши натижасида иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда мисли кўрилмаган ўсиш кузатилди. Бозорларимиздаги тўқин-социлик, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, замонавий ресторон ва овқатланиш шохобчалари кўпайиши — буларнинг бари аҳоли тўлов қобилиятининг ошгани ва турмуш даражаси юксалганидан далолат беради.

Бир пайтлар оддий эҳтиёжларни қондириш мушкул бўлган даврлар эндиликда тарихга айланди. Бугун ҳар бир хонадон дастурхонидо барака, ҳар бир оилада эртанги кунга мустаҳкам ишонч бор. Ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу мамлакатимизда юри-тилаётган оқилонга иқтисодий сиёсат ва халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.

Бугунги Ўзбекистон — имкониятлар мамлаката. Кимки ҳалол меҳнат қилишни, ўз салоҳиятини намоён этишни истаса, унинг учун барча эшиклар очилди. Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган янги корхоналар, кластерлар ва ишлаб чиқариш мажмуалари минглаб янги иш ўринлари яратмоқда.

Инсон меҳнати билан қадрлидир. Бугун жамиятимизда “тадбиркор — бой,

қайнаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу ислохотлар шунчаки қоғозда эмас, балки реал ҳаётда ўз аксини топтоқда. Кўшн ва ҳамкор давлатларнинг Ўзбекистон тажрибасига қизиқиши билан қаратгани, иқтисодий ўсиш сурьатларимизни эътироф этаётгани ҳам танланган йўлнинг тўғри эканига яққол далилдир. Давлат ва ҳамкор давлатлар ўзаро ишонч кўприғи йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Дунёнинг турли нуқталарида нотинчликлар, зиддиятлар ва ҳавотирлар ҳужм сурётган бир пайтда Ўзбекистон



“Бугунги Ўзбекистон — имкониятлар мамлаката. Кимки ҳалол меҳнат қилишни, ўз салоҳиятини намоён этишни истаса, унинг учун барча эшиклар очилди. Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилаётган янги корхоналар, кластерлар ва ишлаб чиқариш мажмуалари минглаб янги иш ўринлари яратмоқда.

литиямиз мезони, ҳаётини дастуриламалимизга айланиши лозим. Зеро, марраси баланд халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади.

GAZETA DАGI MATERIALLARINI LOTIN EЗUVIGA ASCOСLANAГ. ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҲЎШИ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANEP ҚИЛИНГ.

Бугуннинг гапи

ҲАММУАЛЛИФ БЎЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бахтга интилиб яшаш инсониятта хос умумий туйғу. Бобом айтарди: “Эркак кишининг бахти — уйига тўртта нон кўтариб келишида!”. Хаста бувим дерди: “Тўрт мучанг соғми, демак, энг бахтли одамсан!”. Отамнинг гапи: “Сизларни (фарзандларимни) ўқитиб, зиёли қилдим, мендан ортиқ бахтлиси йўқ!”. Онам: “Сен ва сингилларингнинг оиласи тинчлиги — энг катта бахтим!”. Турмуш ўртоғим дейди: “Болаларимиз яхши инсон бўлиб етишса, ёмонлардан узоқ бўлса, қандай бахт-а!”. Кенжа фарзандим: “Энг охири телефон моделини олсам эди!”. Тўрт ёшли набирамга бахт ҳақида тушунча бериб, “Бахт нима экан?” деб сўрасам, моҳиятини англаб-англамай жавоб беради: “Менга кўп-кўп ширинлик олиб келишингиз”.



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

нуфузли таълим даргоҳида ўқийман, зўр мутахассис бўлиб, дунёнинг етакчи компанияларида ишлаётган деб ҳаракат қилаётган ва бу мақсадларига эришаётган ҳамюртларимизнинг бугун сон-саногини йўқ.

Янги Ўзбекистонда етишиб келаётган “олтин авлод” тийнагида “мен кучлиман” деган кайфият ҳукмрон. Маънавият билан озикланган шижоатли авлод ўзида уйғонаётган ватанпарварлик хислатларини дунёга намойиш қиляпти.

Халқро миқёсда бахтни, бахтиёрликни ўлчашнинг қатор шакллари қўлланилади. Масалан, Утган йили март ойида БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўлчаш учун маркази World Happiness Report Ўзбекистоннинг бахтли мамлакатлар рейтингидоги ўрни ҳақида маълумот берди. Мамлакатимиз аҳолиси бахтли мамлакатлар рейтингидо 53-ўринни эгаллади. Ҳисоботда Қирғизистон 75-ўрин, Россия 72-ўрин, Молдова 80-ўрин, Арманистон 87-ўрин, Тожикистон 90-ўрин, Грузия 91-ўрин, Озарбайжон 106-ўрин ва Украина 111-ўринда қайд этилган.

World Happiness Report халқро тадқиқот лойиҳаси бўлиб, у бутун дунё мамлакатларидаги одамларнинг бахтлилик даражасини ўлчайди. Рейтингни тузишда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти (аҳоли жон бошига ялли ички маҳсулот), соғлиқни сақлаш сифати (ўртача умр кўриш давомийлиги), эркинлик ва ҳавфсизлик даражаси каби мезонлар, шунингдек, аҳолининг давлат ва унинг сиёсатига ишончи даражаси каби ижтимоий жиҳатлар ҳисобга олинади.

“Ҳаммамизга аёни, Мирзо Улугбек бобомиз бундан олти аср муқаддам инсоният учун юлдузлар харитасини яратган эди. Бугун эса биз хозирги ва келажак авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасини яратишимиз лозим.

Мана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этиб, барчамиз бирлашиб ҳаракат қилсак, ҳар қандай юксак маррани забт этишга қодиримиз, бирон-бир куч бизни ўз йўлимиздан қайтара олмайди. Бир бўлсак, ягона халқ, ягона миллат бўлиб олган интилсак, кўзлаган улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

Мен бу йўлда мард ва олижаноб халқимизга ишонаман! Ўзбекистоннинг бекдеш кучи ва имкониятларига, азиз ёшларимизнинг азму шижоатига ишонаман!”.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил декабрь ойи сўнгига Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси айнан шу даяват

қаноат қилмайди. Негаки, тақрор бўлса ҳам айтганим: марра юқорилик, мақсад катталашиб борадиган даврларга келдик ва бу табиий!

Бахт ёки бахтиёрлик балки илмий доираларда қандайдир формулалар, аниқ илмий таърифлар билан ифодаланар. Лекин кундалик содда ва мураккаб муҳитимизда унинг ўлчови, вази, бўйи, эни, ранги каби сифатлари мавжуд эмас. Битта ягона шакли ҳам йўқ. Аммо бахтнинг залвори бор. Ана шу залвор уни бахт сифатида умумий нуқтада бирлаштириб туради.

Шахс, жамият ва башариёт учун ифодаси турлича, аммо мақсад-муддаоси битта бахт тушунчаси мавжуд. Мутафаккир Жалолиддин Румий “Одамнинг энг бахтли лаҳзаси бошқаларга яхшилик қилган дамларидир”, дейди. Абу Наср Фарабий эса “Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий билимга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади” ҳикматини илгари суради. Аҳамият берсангиз, бу ўринда залвор бошқа ракурсда намоён бўляпти.

Ҳар бир инсон излайдиган орзу бу — бахт. Уни файласуф ўткир фикри, олим илми, содда киши оддийлиги, давлатманд ҳашаматли уйи, камбағал эса пастқам кулбасидан излайди. Бахтиёрлик — маънавий ҳодиса. Уни инсон қалби, ички хузурланиши билан ҳис қилади.

Бугун замон шиддати ўзгариши олдимизга қўйган мақсад ва талабларимизга ҳам таъсир



қилди дедик. Бу ерда халқимизнинг ўзига ички ишончи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги оила қурган фарзандим учун янги уй соламан, квартира сотиб оламан, отам учун автомобиль харид қиламан, IELTSдан энг юқори балл олиб,

билан яқунланади. Унинг маъносини англаган ҳар бир юрдошимиз эса бахтли ҳаётга олиб борадиган “йўл харитаси”нинг ҳаммуаллифлари қаторидан жой олиши мумкин. Хулоса ўзингиздан.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30829 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусахҳиш: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев
Манзилнинг: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 03:00 Топширилди — 03:50